

"САМАРҚАНД РУҲИ" "ШАНХАЙ РУҲИ"НИ УЙҒУН РАВИШДА ТЎЛДИРИБ ТУРАДИ



Кўп йиллик биргаликдаги ишларимиз тажрибасига таяниб ишонч билан айтаемизки, ШХТнинг Самарқанд саммити **умумий хавфсизлик ва тараққиёт йўлидаги** ўзаро ҳурмат, ишонч, конструктив ҳамкорлик принципларига асосланган янги, инклюзив мулоқотни йўлга қўйиш борасида ўзига хос намуна бўла олади.

Самарқанд ташқи сиёсат бобида устувор йўналишлари турлича бўлган давлатларни бирлаштириш ва муроасага келтиришга қодир айнан шундай платформага айлана олади.

Тарихан шаклланган тушунчага кўра, Самарқанддан туриб қаралганда, дунё тарқоқ эмас, балки яхлит ва бўлинмас бўлиб кўринади. "Самарқанд руҳи" деган ноёб феноменининг мазмуни ҳам асли шунда мужассам бўлиб, у халқаро ҳамкорликнинг, жумладан, ШХТ доирасидаги шерикликнинг принципиал жиҳатдан янги форматини шакллантириш борасида мустақкам пойдевор бўлиши мумкин.

Аслини олганда, "Самарқанд руҳи" бундан 20 йил аввал мамлакатларимизнинг давр талабларига мос, янги ташкилотни яратишига туртки берган "Шанхай руҳи"ни уйғун равишда тўлдириб туради.

Шу сабабдан аминимизки, Самарқандда ШХТ ҳаётининг янги босқичи бошланишига гувоҳ бўламиз – Ташкилотнинг таркиби кенгайиб, унинг келажак кун тартиби шаклланади ва бунда чуқур рамзий маъно мужассам.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

("Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик" мақоласидан.)



15-sentyabr 2022-yil 37 (983) www.21asr.uz @XXlasofficial

МУНОСАБАТ



Ахтам ХАЙТОВ,
O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари

ШХТ САММИТИ:

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО МАЙДОНДАГИ НУФУЗИНИ БЕЛГИЛАЙДИ

Шавкат Мирзиёевнинг "Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик" мақоласида халқаро муносабатларда бир тарихий давр ниҳоясига етиб, башорат қилиш мушкул бўлган янги бир давр бошланишининг жадал жараёнлари "тарихий эврилиш" атамаси билан ифодаланган. Айни вазият ҳар бир тарафнинг манфаатларини ҳисобга олиш ва ҳурмат қилишга асосланган кўп қиррали ҳамкорлик доирасида ишончли ва конструктив мулоқот муҳитини яратишга қаратилган мақсадли ташқи сиёсат стратегиясини амалга оширишни талаб этади. Бу борада эса тинчлик, хавфсизлик ва барқарор тараққиётга хавф туғдираётган таҳдид, хатарларга қарши умумий сай-ҳаракат ҳамда имкониятларни бирлаштирувчи Шанхай ҳамкорлик ташкилоти каби тузилма алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистоннинг ШХТга раислик йилида давлатимиз раҳбарининг ташқи сиёсат бобида янги қирралари намоён бўлмоқда. Республикаимиз йирик минтақавий ва глобал ташаббусларни дадил илгари сурган ҳолда, ШХТ маконида барча мамлакатлар манфаатларини мувозанатлаш имконини яратди. Бунда глобал миқёсдаги геосиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар даврида ШХТ доирасида кўп томонлама ҳамкорлик қийматини қайта кўриб чиқиш таъминоти таянч бўлди. Айни дамда, мамлакатимиз Марказий Осиёни халқаро тузилманинг географик маркази деб билади, чунки у тобора кенгайиб бораётган маконнинг муҳим минтақаси ҳисобланади.

Ўзбекистон ушбу раислиги даврида мисли кўрилмаган сиёсий, дипломатик, ташкилий ва техник муаммоларни енгиб ўтди. Бу эса мазкур халқаро институтни минтақа давлатларини умумий фаровонлик ва барқарор ривожланиш йўлида бирлаштиришнинг самарали майдончасига айлантириб, республикамизнинг "медиатор" ("воситачи") ролини оширди. Хусусан, пандемиянинг давом этаётган салбий оқибатлари ва жажан иқтисодиётдаги беқарорлик шароитида Ўзбекистон ШХТ бўйича 80 га яқин тадбирларни муваффақиятли ўтказди. Эътиборли жиҳати, ШХТга раислик қилган бирор давлатда бунчалик кўп учрашувлар ташкил этилмаган эди. Тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари да-

ражасида 30 та тадбир ўтказилди, шулардан 4 таси (ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, қашшоқликни қисқартириш, фан ва техникани тараққий эттириш, гиёҳванд моддаларга қарши курашиш масалалари бўйича йўналишлар) мамлакатимиз томонидан илк марта таъкил этилмоқда.

Шу йилнинг июнь ойида Ўзбекистон ташаббуси билан ШХТ доирасида илк бор ёшлар ўртасида энг яхши стартап лойиҳалари танлови ва киберспорт бўйича чемпионат ўтказилди. ШХТга аъзо давлатлар делегациялари иштирокидаги бу ва бошқа кўп томонлама учрашувларнинг барчаси ҳар хил форматларда – виртуал ва юзма-юз ҳамда гибрид режимда бўлиб ўтди. Масалан, Нукус, Бухоро ва Фарғонада ШХТ Миллий мувофиқлаштирувчилар кенгашининг йўналишлари ташкил этилди. Хивада транспорт вазирларининг мажлиси, Бухорода қашшоқлик масалаларига бағишланган конференция ўтказилди. Августда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган қатор тадбирлар якуни бўйича Ўзбекистон ШХТнинг 37 та ҳужжатини мувофиқлаштириш жараёнини бошлади ва якунлаб берди. Шулардан 30 таси мамлакатимиз ташаббуси билан, аксарият ҳолларда шахсан Президент Шавкат Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, концептуал, стратегик ва амалий хусусият касб этади.

Давоми 2-саҳифада. ►►

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИ



2022 ЙИЛ 15-16 СЕНТЯБРЬ, САМАРҚАНД ШАҲРИ

БУГУН САМАРҚАНДДА ШХТ САММИТИ БОШЛАНДИ

15-16 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти давлат раҳбарлари кенгашининг 22-мажлиси тадбирлари бўлиб ўтади.

Саммит ишида ШХТга аъзо мамлакатлар – Покистон Ислон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Ўзбекистон Республикаси, Қирғиз Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Ҳиндистон Республикаси, шунингдек, ташкилот ҳузуридаги кузатувчи давлатлар – Беларусь Республикаси, Мўғулистон ва Эрон Ислон Республикаси етакчилари иштирок этмоқда.

Фахрий меҳмон сифатида Туркия Республикаси,

Озарбойжон Республикаси, Туркманистон ва Арманистон Республикаси, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, бошқа нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари таклиф этилган.

Самарқанд саммитининг кун тартибига мувофиқ кўп томонлама ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари, ШХТни ривожлантиришнинг амалий жиҳатлари ва устувор вазифалари кўриб чиқилади. Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилади.

Яқунда ташкилот фаолиятини кенгайтириш ва устувор соҳалардаги минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштиришга қаратилган салмоқли ҳужжатлар тўпламининг имзоланиши кутилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мазкур мажлис ШХТ етакчиларининг коронавирус пандемияси бошланганидан сўнг ўтган охириг уч йилда биринчи юзма-юз учрашуви саналади.

БУНЁДКОРЛИККА ЙЎҒРИЛГАН “САМАРҚАНД РУҲИ”

Бугунги кун дунёдаги глобал хавф-хатарлар ва муаммолар асносида юзага келган мураккаб шароитда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш учун халқаро ҳамкорликни мустақамлаш ҳаётини заруратга айланиб бормоқда. Конструктив мулоқот ва ҳар бир тарафнинг манфаатларини ҳисобга олиш ва ҳурмат қилишга асосланган кўп томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш билан долзарб муаммоларни ҳамжиҳатликда ҳал этиш мумкин.



Дилором ФАЙЗИЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг
Халқаро ишлар ва парламентлараро
алоқалар кўмитаси раиси

ШХТнинг Самарқанд саммити арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мақола-асосида билдирилган фикрларда йигирма йиллик тарихан қисқа даврда ўз ўрни ва нуфузига эга бўлган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти минтақавий ташкилот сифатида глобал жараёнларга таъсир қила оладиган тузилмага айланаётгани баён этилган. Шунингдек, ШХТ мамлакатлар ўртасидаги турли келишимчиликларни энгилб ўтиш, ўзаро англашувни мустақамлаш, сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш борасида муҳим ўрин эгаллаётгани таъкидланган.

ШХТ улкан географик маконни қамраган ва сайёра-миз аҳолисининг қарийб ярмини бирлаштирган дунёдаги энг йирик минтақавий ташкилот. Энг асосийси, ШХТ турли блоклардан холи бўлиб, учинчи мамлакатлар ёки халқаро ташкилотларга қарши қаратилмаган. Шавкат Мирзиёев ҳам ўз мақола-асосида бунга алоҳида урғу бериб, ШХТ барча иштирокчиларнинг тенглиги ва суверенитетини ҳурмат қилиш, ички ишларга аралашмаслик, сиёсий қарама-қаршилик ва ихтилофли рақибликка йўл қўймаслик тамойил-ларига асосланганини қайд этган.

Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик қилишдек маъсулятни вазифани бажариш давомида асосий эътиборни ҳамкорликнинг янги уфқларини очиб ва ҳар бир иштирокчи мамлакатнинг фойдаланилмаган резервларини ишга солиш орқали Ташкилотни жадал ривожлантириш стратегиясига қаратди. “Ҳар биримиз кучли бўлсакгина, ШХТ кучли бўлади” шiori остида Ташкилотни янада кучли ва халқаро ҳамкорлар учун жозибдор бўлишига эришиш борасида ўтказилган йирик тадбирлар доирасида кўплаб муҳим масалалар қўрилиб, ўттиздан ортиқ концептуал дастур, келишув ва қарорлар ишлаб чиқилди.

Мамлакатимизнинг ШХТга раислиги давомида эришилган ютуқлар юртимизда кейинги олти йилда амалга ошириб келинаётган фаол ва очиқ ташқи сиёсатнинг натижасидир. Айниқса, бугунги кунда ўрнатилган яхши қўшничилик ва ҳамкорликни мустақамлаш борасидаги ижобий ўзгаришлар рўй бераётган Марказий Осиё минтақаси ШХТнинг географик ўзагига айланмоқда. Бу жараёнда Марказий ва Жанубий Осиёни боғловчи кўприк – Афғонистонни ривожлантириш, афғон халқига кўмак бериш масалаларига катта эътибор берилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ШХТнинг Самарқанд саммити умумий хавфсизлик ва тараққиёт йўлидаги ўзаро ҳурмат, ишонч, конструктив ҳамкорлик принципларига асосланган янги, инклюзив мулоқотни йўлга қўйиш борасида ўзига хос намуна бўла олиши, ташқи сиёсат борида устувор йўналишларни турлича бўлган давлатларни бирлаштириш ва муроасага келтиришга хизмат қилувчи платформага айлана олишига ишонч билдирди.

ШХТ ҳаётининг янги босқичини бошлаб берувчи Самарқанд саммитида қабул қилиниши кутулаётган қарорлар минтақавий ҳамда глобал миқёсда ҳамкорликни мустақамлашда, Президентимиз қўяётган мақсадлар сари амалий ишлар изчил давом эттирилишида Ўзбекистон сиёсий доиралари ҳам қамраб олинган бўлиши билдиради.

ШХТ САММИТИ: ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО МАЙДОНДАГИ НУФУЗИНИ БЕЛГИЛАЙДИ

◀◀Бошланиши 1-саҳифада.

Саммит доирасида Саудия Арабистони Қироллиги, Қатар, Мисрнинг юқори мартабали вакиллари, МДХ ва бошқа минтақавий ташкилотлар (ESCAP, UNESCO, КХШТ, ЕОИИ, СІСА, ІХТ, АДЛ) бош котиблари, шунингдек, БМТ Бош котибининг ўринбосари иштирокида уч-рашувлар ўтказилади. Умуман олганда, Самарқанд саммитида 15 та давлат етакчилари ва 10 та халқаро ташкилот раҳбарларининг иштирокидаги мазкур халқаро тадбирнинг мислсиз ҳодиса эканини яна бир бор кўрсатади.

Самарқанд заминининг кўплаб нуфузли чет эл делегацияларини илиқ қутиб олиши бўлажак ШХТ саммитининг ўзига хос рамзийлигини ифодалайди. Самарқанд азалдан цивилизациялар мулоқоти маскани, маданий-гуманитар ўзаро бойиш ва халқаро савдонни ривожлантириш, яхши қўшничиликни мустақамлаш макони бўлиб келган. Самарқанд сайёрамиздаги энг қадимий шаҳарлардан бири, Рим ва Афина билан тенгдош экани тарихдан яхши маълум.

Темурийлар даврида Самарқанд фаол ривожланган, шаҳарда илм-фан, маданият ва маърифатни тараққий эттириш учун барча шароитлар яратилгани боис бутун дунё олимлари ва санъат арбоблари бу ерга талпинганлар. Шунинг учун Самарқандни Марказий Осиё халқлари маданиятининг бебаҳо хазинаси деб аташди. Бу ерда ўрта аср меъморчилигининг энг буюк ёд-ғорликлари сақланиб қолган бўлиб, ҳар бири алоҳида эътиборга лойиқ. Талотумларга тўла тарихига қарамай, шаҳар ўзига хослиги ва бетакрор қиёфасини йўқотмаган. Бугунги кунда Самарқанд энг гўзал ва маданий жиҳатдан бетакрор масканга айланган.

“Буюк ипак йўли” халқаро туризм марказининг очилиши бугунги куннинг ўзига хос рамзларидан бири бўлди. Бу ерда иккита беш юлдузли ва олтига тўрт юлдузли меҳмонхона фаолият юритмоқда. 3,5 минг кишига мўлжалланган Конгресс холининг умумий майдони 60 миң м² кватрат метрни ташкил этади. Бугун Самарқанд узоқ йиллар давомида кўплаб мамлакатлар раҳбарларини илиқ қутиб олган тарихий маскангина эмас, энг юксак талабларга жавоб берадиган замонавий инфратузилма ҳамдир. Бу етакчи давлатлар раҳбарларининг глобал кун тартибидида долзарб муаммоларни муҳокама этишига хизмат қилади, улар орасида иқтисодий ҳамкорлик масаласини алоҳида қайд этиш

зарур. Хусусан, 2021 йил якунларига кўра, ШХТга аъзо давлатларнинг ташқи савдоси 8 трлн. АҚШ долларидан ошиб, 33 фоиз ўсди, аъзо давлатлар ўртасидаги ички савдо айланмаси эса қарийб 40 фоиз ошиб, 768 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.

Мамлакатимиз аъзо давлатларнинг инвестициявий сиёсатини шакллантириш учун масъул вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштиришни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратади. Хайрли ташаббуслар қаторида жаҳондаги молиявий ва иқтисодий ўзгаришларни юмшатишга қаратилган ШХТ Ишбилармонлар кенгаши фаолияти доирасида ўзаро инвестицияларни рағбатлантириш бўйича қўшма Ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш таклифини алоҳида таъкидлаш лозим.

ШХТнинг минтақа ичидаги савдонни ривожлантириш дастури ўзаро савдон янада оширишга ва Ташкилотга аъзо барча давлатларнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилади. Мамлакатимиз томонидан тақлиф этилган саноат кооперациясини рағбатлантириш дастурининг қабул қилиниши ШХТга аъзо давлатлар фаровонлигини ошириш учун қўшимча рағбат бўлади. Бу фойдаланилмаган ишлаб чиқариш салоҳиятини рўёбга чиқариш, янги иш ўринларини ташкил қилиш ва учинчи мамлакатларга қўйилган қийматли маҳсулотлар экспортини кенгайтиришга ёрдам беради. Бизнингча, “Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” темир йўли лойиҳасининг амалга оширилиши жуда истиқболлидир.

ШХТга аъзо давлатларнинг ўзаро боғлиқликни ривожлантириш ва самарали транспорт йўлақларини яратиш концепциясини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон томонидан тақлиф этилган йўл харитасининг қабул қилиниши аҳамиятлидир. Бу ШХТнинг транспорт-транзит салоҳиятини рўёбга чиқариш, янги минтақавий транспорт-транзит йўлақларини шакллантириш ҳамда бозорлар географиясини кенгайтириш бўйича аъзо давлатларнинг сай-ҳаракатларини янада бирлаштиради.

Хулоса ўрнида шунини алоҳида таъкидлашни истардик, ишонч чуқур таназзулга ўз тутаётган бугунги шароитда ШХТнинг Самарқанд саммити маданий-цивилизация қарашлари турлича, ўз ташқи сиёсий йўналишлари ва миллий тараққиёт моделларига эга мамлакатларни бирлаштиришга муваффақ бўлган ноёб масканга айланади. Бу Ўзбекистоннинг минтақавий хавфсизликни таъминлаш орқали кўп томонли ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат ШХТга раислиги руҳининг яққол ифодаси бўлади.

НАФАҚАТ МИНТАҚАДА, БАЛКИ ЖАҲОН МИҚЁСИДА ОБРЎЙИМИЗ ОРТАДИ



Тўлқин ФАЙЗИЕВ,
О‘zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши раиси,
Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати

Шу кунларда Ўзбекистон жаҳон мамлакатлари сиёсатчилари диққат марказида бўлиб турибди. Негаки дунёдаги энг йирик минтақавий ташкилот ШХТнинг Самарқандда ўтказилаётган саммити тарихий қарорлар қабул қилинадиган майдонга айланди.

Раислик доирасида Ўзбекистон ШХТнинг 80 дан ортиқ тадбирларини ўтказди. Саноат ва технологик ҳамкорликни ривожлантириш, АКТ, рақамли трансформация, минтақалараро савдо ва транспорт бўйича ўзаро боғлиқлигини рағбатлантириш, хавфсизликни таъминлаш ҳамда кибер таҳдидлардан ҳимояланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Самарқандда яна бир муҳим тарихий ҳужжат қабул қилиниши кутуляпти. ШХТга аъзо давлатлар ўртасида узоқ

муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани 2023–2027 йилларда амалга ошириш бўйича кенг қамровли режа мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни янада мустақамлашда улкан тарихий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва ШХТ давлатлари томонидан қўллаб-қувватланган мазкур стратегик ҳужжатда савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга эътибор қаратилиб, инвестициялар, энергетика, транспорт, логистика, саноат кооперацияси, ахборот ва телекоммуникациялар, қишлоқ хўжалиги, божхона ва бошқа соҳалардаги шерикликни янада мустақамлаш бўйича аниқ тадбирлар белгиланган.

Саммитда имзоланиши кўзда тутилган кенг қамровли режа ва унда кўрсатилган аниқ тадбирлар ШХТ аъзолари, жумладан, Ўзбекистон мамлакатларига ҳам хизмат қилади. Айтиш мумкинки, юқорида тилга олинган соҳа ва йўналишларни ривожлантириш партияимиз томонидан белгилаб олинган устувор мақсадларга бевосит ҳамоҳангдир.

О‘zLiDeP ташқи савдо фаолият соҳасини янада такомиллаштириш, етакчи халқаро ва хорижий молия институтлари билан алоқаларни кенгайтириш, Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилоти ва бошқа иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, инвестиция фаолиятини амалга оширишнинг эркинлиги, инвесторлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиниши қўллаб-қувватлайди. Бизнинг ҳам нуқтани назаримизга кўра, БМТ, ШХТ, МДХ, ИХТ ва бошқа халқаро тузилмалар, турли иқтисодий ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига ҳамоҳангдир.

ШХТ саммитида имзоланган стратегик ҳужжатларнинг амалиётга татбиқ этилиши билан партияимизнинг халқ фаровонлиги ва мамлакат иқтисодий тараққиёти йўлидаги қатор мақсадларимиз ҳам рўёбга чиқиши муқаррар. Бир сўз билан айтганда, Самарқандда ўтадиган саммит Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг фаол аъзоларидан бўлган Ўзбекистоннинг нафақат минтақадagi, балки жаҳон миқёсидаги нуфузи ва ўрнини мустақамлаш, халқаро жараёнларга таъсирини оширишга хизмат қилади.

Президентимизнинг мамлакат ва қатор етакчи хорижий давлатлардаги нуфузли газета ва интернет-нашрларида ШХТ Самарқанд саммитига бағишлаб эълон қилинган ҳамда дастурий аҳамиятга эга бўлган концептуал мақоласи билан танишар эканмиз, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – О‘zLiDePнинг хавфсизлик, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш соҳасидаги долзарб вазифаларни ушбу нуфузли анжуманда давомида илгари суриладиган ва сиёсий аҳамиятга эга бўлган мақсад ҳамда интилишлар билан ҳам-оҳанг эканини чуқур ҳис этдик.



Фармон АМИНОВ,
О‘zLiDeP Бухоро вилоят кенгаши раиси,
халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати

ҲАЁТИЙ МАСАЛАЛАРГА БЕФАРҚ ЭМАСМИЗ

Саммит учун Самарқанд шаҳри бежиз танлаб олинган эмас. Чунки давлатимиз раҳбари мақола-асосида таъкидланганидек, ушбу афсонавий, айна пайтда тобора замонавийлашиб бораётган бу шаҳар асрлар мобайнида Европа қитъасидан Хитой давлатига булган мамлакатларни, шимол ва жанубни, шарқ ва гарбни бир-бири билан туташтириб келган. Мақолада илгари сурилган фикр-мулоҳазалар энг нуфузли тадбирлар – Самарқанд саммитининг нақадар катта аҳами-

ятга эга эканини кўрсатиб турибди. Жумладан, дунёдаги ҳозирги мураккаб шароитда бирор-бир мамлакат у ёки бу минтақада келиб чиқиши мумкин бўлган том маънодаги глобал хавф-хатарни ёлғиз ҳолда барта-раф этишга қодир эмаслиги алоҳида таъкидлаб ўтилганки, ушбу долзарб масала саммит иштирокчиларини ҳам бефарқ қолдирмаслиги аниқ. Анжуманининг бу борадаги таъсирчан кучи ва долзарб муаммоларни ҳал этишдаги сиёсий ўрнини биргина ана

шу мисолдан ҳам билиб олса бўлади. О‘zLiDePнинг Бухоро вилоят саммитида илгари суриладиган ўта муҳим масалаларни алоҳида қизиқиш билан қузатиб туришибди. Энг муҳими, ўз партиявий фаолиятлари нуқтани назардан келиб чиққан ҳолда мазкур нуфузли анжуман дастуридан ўрин олган глобал масала ва муаммоларни пухта ўрганишади.

ДУНЁ ТАРҚОҚ ЭМАС, БАЛКИ ЯХЛИТ ВА БЎЛИНМАСДИР

Ҳозирги дунё туб ўзгаришлар, тафаккурдаги эврилишлар даврини бошдан кечирмоқда. Турли сиёсий мақсадлар, янги жаҳон тартиботини вужудга келтириш, дунёга эгаллик қилиш мақсад ва ид-даолари жиддий тус олмақда. Давлатлараро ва минтақалараро манфаатлар тўқнашуви тобора чуқурлашмоқда. Сиёсий ва ғоявий қарама-қаршиликлар инсоният тараққиётига путур етказмоқда, умумсайёравий муаммога айланмоқда.

Ана шундай мураккаб иқтисодий, маънавий ва руҳий озурдалликлар пайтида инсон ва инсоният ҳаётига эзгулик олиб қирадиган, умумдунёвий муаммоларни ҳал қилишда юксак ақл-идрок ва бой маънавий қудрат билан ёндашадиган, бошқача айтганда, шарқона инсонпарварлик ва донишмандлик анъаналарини қалтир шароитда дадиллик билан намоён этадиган нуфузли тузилмага эҳтиёж тобора ошиб бораётди. Бунинг амалдаги ифодаси сифатида қадим Самарқандда ўтказилаётган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти намоён бўлмоқда.

Давлатлараро ва минтақалараро манфаатлар тўқнашуви авж олаётган, ўзаро ишонч, бир-бирини тушуниш ҳислари камайиб бораётган бир шароитда ШХТнинг навбатдаги саммитига мезбонлик қилиш Ўзбекистоннинг тобора мураккаблашиб бораётган жаҳон сиёсатида бутунлай янги, умумдунёвий салоҳия-

тини яна бир бор кўрсатади. Ушбу фикрлар давлатимиз раҳбарининг ОАВларда эълон қилинган тарихий мақола-асосида чуқур таҳлил этилган. “Тарихан шаклланган тушунчага кўра, Самарқанддан туриб қаралганда, дунё тарқоқ эмас, балки яхлит ва бўлинмас бўлиб кўринади. “Самарқанд руҳи” деган ноёб феноменининг мазмуни ҳам асли шунда мужассам бўлиб, у халқаро ҳамкорликнинг, жумладан, ШХТ доирасидаги шерикликнинг принципиал жиҳатдан янги форматини шакллантириш борасида мустақам пойдевор бўлиши мумкин”, деб ёзади Президент Шавкат Мирзиёев.

Мақолада, айтиш мумкинки, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг бугунги умумдунёвий ўрни ва мавқеи тўлалигича очиб берилган. Зотан, бутун инсоният эҳтиқликка, яхшиликка, меҳр-мурувватга кучли эҳтиёж сезмоқда, бу эса ШХТ ҳурмат-эътиборининг

ошиб боришига омил бўляпти. Негаки бошқа минтақавий ва халқаро блоklar ҳарбий-сиёсий мақсадга қаратилгани билан ишончдан қолаётди. ШХТ эса айна ана шу умумдунёвий ишончга руҳ бағишламоқда, жон киритмоқда. Бутун инсониятни, Ер шарини асрашнинг таянчига айланмоқда. Буни ШХТга аъзо бўлиш истагини билдираётган давлатларнинг йилдан йилга кўпайиб бораётганида ҳам қўриш мумкин. ШХТ минтақавий ташкилот сифатида дунёга келган эди. Бироқ бошқа минтақадagi давлатлар ҳам мазкур тузилмага аъзо бўлиш истагини билдираётгани унинг умумсайёравий аҳамият касб этаётганидан, инсониятнинг бугуни ва истиқболини белгилайдиган нуфузли ташкилотга айланиб бораётганидан далолат беради. Самарқанд эса ана шу умумдунёвий эҳтиёжнинг ишончли даъваткор минбарига айланмоқда.



Нарзулла ЖЎРАЕВ,
сиёсий фанлар доктори, профессор



Эркинжон ТУРДИМОВ,
Самарқанд вилояти ҳоқими, Олий Мажлис Сенати аъзоси

САМАРҚАНДГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!

Шарқ гавҳари, қадимий ва ҳамisha навқирон, ер юзининг сайқали бўлган Самарқанд бугун яна дунё нигоҳида. Шаҳримиз сайёрамизнинг энг нуфузли, обрўли халқаро тузилмаларидан бири – Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг 22 саммитига мезбонлик қилмоқда. Унда 15 давлат етакчиси, ўндан ортиқ халқаро ташкилотлар вакиллари, дунёнинг кўзга кўринган эксперт ва таҳлилчилари, сиёсатшунослар иштирок этмоқда.

Давлатимиз раҳбари таклифига кўра, Хитой Халқ Республикаси Раиси ва Эрон Ислом Республикаси Президентининг саммитда иштирок этиши билан бирга юртимизга давлат таширфини амалга оширади. Тадбир доирасида давлат раҳбарларининг икки томонлама учрашувлари ўтказилади.

Миллий давлатчилигимиз тарихида муҳим ўрин тутадиган ва бугун халқаро мулоқот майдонида айланб бораётган Самарқандда илк бор бундай кенг кўламли, йирик халқаро тадбирнинг ўтказилаётгани, албатта, бутун вилоятимиз аҳли учун чекиз фахр ва ифтихордир.

Мазкур анжуманга тайёргарлик кеча ёки бугун эмас, давлатимиз раҳбари томонидан ШХТнинг 2022 йилдаги саммитини Самарқандга ўтказиш ташаббуси илгари сурилганидан бошланган. Бунинг учун шаҳримизнинг инфратузилмаси тўлиқ янгилади, янги йўл ва кўприк, хиббонлар қурилди. Рудакий, Ибн Сино, Бўстонсарой, Афросиёб, Шоҳи Зинда, Садриддин Айний, Регистон, Панжикент, Фирдавсий, Даҳбед каби ўндан ортиқ кўча реконструкция қилинди. Уста Умар Жўракулов кўчаси тубдан қайта қурилди. Бу кўчалар атрофидаги тураржой ва бошқа объектлар ҳам миллий ва замонавий архитектура уйғунлигида янгидан бунёд этилди. Самарқанд халқаро аэропортининг ўзига хос қиринидаги замонавий

янги терминали қурилди. Юртбошимиз ғояси ва ташаббуси билан 250 гектардан ортиқ очик майдонда, эшак эшиш канали атрофида кейинги йиллар давомида қурилган “Буюк ипак йўли” халқаро туризм маркази халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг ёрқин ифодаси бўлди. Нафақат юртимиз, балки Марказий Осиёда тенги йўқ, деб эътироф этилган бу мажмуада жаҳон стандартларига мос меҳ-



монхоналар ва конгресс маркази, халқимиз тарихи, маданияти, анъана ва қадриятларини намойён этувчи “Боқий шаҳар” мажмуаси ва яна кўплаб бошқа иншоотлар бугун қадим шаҳарнинг кўрғини айланди. Айни пайтда эса буюк муҳаддис бобомиз Имом Бухорий номи билан боғлиқ меъморий мажмуа улуғ зотининг Ислом оламида тутган мавқеи ва салоҳиятига мос тарзда қайтадан бунёд этилмоқда.

Бу иншоотлар, майдон ва хиёбонларда, кўчалар атрофида миллионлаб ноб ёрқин ва бутал, гуллар экилдики, бунинг натижасида бугун Самарқанд ҳар қачонгидан кўрақ қиёфага кирди. Ушбу бунёдкорлик, ободонлаштириш ишларида нафақат самарқандлик, балки юртимизнинг турли ҳудудларидан қурувчи ва муҳандислар, лойиҳачилар, архитектор ва мутахассислар, ҳунарманд ва усталар, боғбонлар иштирок этди. Айни пайтда саммитни юксак савияда ўтказиш учун шаҳримизга келиб, бизга яқиндан кўмак бераётган турли соҳа масъуллари ва ходимларига ҳам раҳмат айтамыз!



Зафар КАРИМОВ,
O'zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши раиси,
Халқ депутатлари вилоят кенгаши котибияти мудири

ГЛОБАЛ МИҚЁСДА МУЛОҚОТ, ЎЗАРО АНГЛАШУВ ВА ҲАМКОРЛИК

Давлатимиз раҳбарининг “Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик” сарлавҳали мақоласида қайд этилишича, Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги дунё миқёсида шиддатли жараёнлар кечаётган ўзига хос “тарихий эврилиш” палласига тўғри келди – бир тарихий давр ниҳоясига етмоқда ҳамда башорат қилиш мушкул бўлган янги бир давр бошланмоқда.

қуринади. “Самарқанд руҳи” деган ноб феноменнинг мазмуни ҳам асли шунда муҳим бўлиб, у халқаро ҳамкорликнинг, жумладан, ШХТ доирасидаги шерикликнинг принципиал жиҳатдан янги форматини шакллантириш борасида мустаҳкам пойдевор бўлиши мумкин.

“Аслини олганда, “Самарқанд руҳи” бундан 20 йил аввал мамлакатларимизнинг давр талабларига мос, янги ташкилотни яратилишига туртки берган “Шанхай руҳи”ни уйғун равишда тўлдириб туради. Шу сабабдан аминимизки, Самарқандда ШХТ ҳаётининг янги босқичи бошланганига гувоҳ бўламиз – ташкилотнинг таркиби кенгайиб, унинг келажақ кун тартиби шаклланади ва бунда чуқур рамзий маъно муҳим бўлади.



Мақолада айтилганидек, саммитда қабул қилинадиган қарорлар минтақавий даражада ҳам, глобал миқёсда ҳам мулоқот, ўзаро англашув ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшади.



Шухрат АСЛАНОВ,
“Шўртангазим” мажмуаси директори,
O'zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши раиси

МИНТАҚАВИЙ ҲАВФСИЗЛИК ТАЪМИНЛАНАДИ

Улкан географик маконни қамраб олган, сайёрамиз аҳолисининг ярмини ўзида мужассам этган, дунёдаги энг йирик минтақавий ташкилот ҳисобланган ШХТнинг бош ғояси – тинчлик, ҳамкорлик ва тараққиёт йўлида бирлашиш. Минтақавий хавфсизликни таъминлашда бу жуда ҳам муҳим.

Ташкил этилганига бу йил 20 йил тўлган мазкур минтақавий ташкилотнинг муҳим йўналишлари – транспорт ва ўзаро боғлиқлик, энергетика, озиқ-овқат ва экология хавфсизлиги, инновациялар, рақамли трансформация ҳамда “яшил” иқтисодиёт ҳисобланади. Булар Ўзбекистоннинг раислиги даврида тайёрланган

тажамлаш бугуннинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади. Яхши кўшничилик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида ШХТ маконининг ажралмас қисми деб қаралаётган Афғонистонни ривожлантириш, уни Марказий ва Жанубий Осиёни боғловчи кўприк вазифасини бажарадиган тинчлик миссиясида ўзини намойён этишида яқиндан ёрдам бериш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш барқарорликнинг муҳим асосидир.

Ўз навбатида, давлатимиз раҳбарининг “Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик” мақоласи дунё тамаддунининг бугунги воқелига берилган ҳақиқий баҳодир. Юртбошимиз инсониятни таҳликага солиб турган энг долзарб муаммолар ҳақида фикр юритар экан, қуролли можаролар оқибатида издан чиқаётган савдо ва инвестиция оқимлари давлатлар иқтисодиётига жиддий таъсир этганини алоҳида таъкидлаган. Бунинг оқибатида озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлигини таъминлаш қийинлашмоқда. Шундоғам глобал иқлим ўзгариши, табиий бойликлар ва сув ресурслари танқислигининг ортиси, биохилма-хилликка путур етган, юқумли касалликларнинг кўпайгани одамларни қийин аҳволга солиб қўйган бир пайтда халқаро ҳамкорликка дунёда барқарор, ишончли ва фаровон тараққиётни таъминлай олиши эътироф этилган.

Президентимиз қайд этганидек, ШХТнинг Самарқанд саммити умумий хавфсизлик ва тараққиёт йўлидаги ўзаро ҳурмат, ишонч, конструктив ҳамкорлик принципларига асосланган янги, инклюзив мулоқотни йўлга қўйиш борасида ўзига хос намуна бўлади. Унда қабул қилинадиган қарорлар минтақавий ҳамкорликни янада яхшилаш, аъзо давлатлар халқларининг бахтли ва фаровон ҳаёт кечиришларини таъминлашга дастуриламал вазифасини ўтайди.



Шаҳноза ХОЛМАХМАТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИК ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Пойтахтимизда ўз ишини бошлаган Парламентларо Иттифоқга аъзо давлатлар парламентлари аёл раҳбарларининг 14-саммити сўй-ҳаракатларни бир мақсад йўлида бирлаштириш борасида тарихий қадам бўлди, десак муболаға эмас.

Бундай нуфузли анжуманнинг айнан мамлакатимизда ўтказилаётгани жаҳон ҳамжамияти томонидан Ўзбекистоннинг парламентаризмни ривожлантириш борасидаги ишлари, гендер тенгликни таъминлаш буйича эришилган сезиларли ютуқлари, шунингдек, жамиятнинг демократлашти-

риш йўлида амалга оширилаётган туб ислохотларнинг эътирофидир.

Саммитда кўтарилган мавзулар ўта долзарб ва аҳамиятли бўлиб, унинг асосий мақсади пандемия ва у билан боғлиқ инқироз оқибатларини ҳисобга олган ҳолда барқарорлик ва фаровонликни, гендер тенгликни самарали таъминлаш ҳамда хотин-қизларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш буйича парламентлар фаолиятининг устувор йўналишлари ва ҳаракатларини белгилашдан иборат.

Шу боис анжуманда пандемиянинг асоратлари ва унга қарши курашишда ўзаро ҳамкорлик қилиш ва тажриба алмашишга доир етарлича фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди ва муҳим қарорлар қабул қилинди. Эътиборлиси, иштирокчилар томонидан Ўзбекистоннинг пандемия даврида барча соҳаларда, хусусан, хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилиш борасидаги ишларига юқори баҳо берилди.

Бу мамлакатимизда нозик хилқат эгаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, яъни уларга грантлар, кредитлар ажратиш, уларни ўқитиш ва касб-ҳунарга ўргатишга қаратилган эътиборнинг намунасидаир.

Самимий руҳда ўтган анжуманда Ўзбекистон ушбу халқаро тузилманинг хотин-қизлар ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш, гендер тенгликни таъминлаш ҳамда парламентаризмни ривожлантириш борасидаги ташаббусларини доимо қўллаб-қувватлаш ва бу борада ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши айтиб ўтилди. Шу нуқтаи назардан айтганда, мазкур анжуман парламентларо ҳамкорликни янада кенгайтиришга, соҳада ҳали ишга солинмаган янги-янги имкониятларни юзага чиқаришга туртки бўлади.



Дилбар УСМОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

ЭЪЗОЗЛАНАЁТГАНИМИЗ ИСБОТИДИР БУ!

Мамлакатимиз халқаро эътирофга лойиқ анжуманларга мезбонлик қилаётганидан ҳар қанча фахрланасан кам. Саммитда давлатимиз раҳбарининг иштирокчиларга йўлаган мурожаати ўқиб эшиттирилди. Президент мамлакатимизда илк бор ўтказилаётган бу саммитни халқаро ҳамжамиятнинг эътирофи сифатида қабул қилганини изҳор этиб, Парламентларо иттифоқнинг кўп форматли майдони халқаро кун тартибидеги кўплаб долзарб масалаларга самарали ечим топишга хизмат қилишига ишонч билдирди. Саммитда БМТ, Парламентларо

ментларо Иттифоқ сайёрамизда демократик жараёнлар ривожланиши, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларни раванқ топиши, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшиб келяпти. Мазкур халқаро тузилма хотин-қизлар ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш, гендер тенгликни таъминлаш ҳамда миллий парламентларнинг мамлакатларнинг барқарор ривожланишини таъминлашдаги ўрнини мустаҳкамлаш ҳамда бу йўлда янада кучли, инклюзив бўлишига хизмат қилмоқда.

зимизнинг далилидир. Юртимизда ўтказилган анжуман ҳам гендер тенгликни таъминлаш ҳамда хотин-қизлар ҳуқуқларини кенгайтириш буйича парламентлар фаолиятини устувор йўналишлари ва ҳаракатларини белгилашда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

КУЗГИ-ҚИШКИ МАВСУМ: БЕХАВОТИР ЎТИШИГА КАФОЛАТ БОРМИ?

Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳининг навбатдаги эшитувида партиямиздан сайланган депутатлар мутасаддиларга жиддий саволлар билан мурожаат қилинди.

Ҳарорат пасайиб, қорли-қировли кунлар эшик қоқатганидан огоҳ қилди. Бундай



кезларда воҳа аҳолиси қишга ўтин, кўмир жамғариш, таппи тайёрлашга киришади. Ҳозир ҳам аксар қишлоқлар “таппизор”ларга айланган. Чунки ҳадемай ўтин ва кўмининг баҳоси осмонга чиқиб кетади-да. Иссиқлик энергиясига маҳсулотни ғамлаб олган “тадбиркорлар” эса атайин совуқ тушишни кутишади. Кўча тизза бўйи қор, изгирин ваҳима солиб турган қаҳратонда одамлар улар билан савдоллашмай, кўмири харид қилаверишади. Чўл туманларида яшаётган айрим “олғирлар” мўйи даромад илинжида саксовулорларга кйрон келтира бошлашади. Мақсад битта – баҳорга эсон-омон етиб олиш.

Ҳўш, ана шундай синолий дамларда вилоят аҳолисини табиий, суолтирилган газ ва электр энергияси билан таъминлаш қандай бўлади? Масъул идоралар истеъмолчиларни қийнаб қўйишмайди?

Шу саволларга жавоб топиш мақсадида Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳининг навбатдаги йиғилишида “Худудгаз Қашқадарё филиали” ва “Қашқадарё худудий электр тармоқлари” АЖ раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди.

Дастлаб вилоят аҳолисини кузги-қишқи мавсумда табиий ва суолтирилган газ билан таъминлаш борасидаги ишлар юзасидан “Худудгаз Қашқадарё филиали” директорининг газ сотиш бўйича ўринбосари Ўткир Зоиров ахборот берди.

Ҳисобдорнинг таъкидлашича, вилоятда 784 минг 239 та газ истеъмолчиси бўлиб, шундан 781 957 тасини аҳоли хонадонлари ташкил этади. 179 983 таси табиий, 604 256 таси суолтирилган газ билан таъминланган. Ҳозирга қадар 155,4 минг донга электрон газ ҳисоблагичлари ўрнатилди. Ойлик қувва ти 15,9 минг тонна бўлган 20 та газ тўлдириш иншоотлари фаолият юритмоқда. 8 та машиий газ баллон синов марказлари хизмат кўрсатаётир. 147 автотранспорт воситаси орқали аҳолига газ баллонлари тарқатилляпти. Истеъмолчиларга 604,3 минг донга ID-карта тарқатилган.

Тақдим этилган маълумотларни астойдил тинглаган депутатлар аҳолини суолтирилган газ билан таъминлаш борасидаги ишлар кўнгилдагидек эмаслиги, шаҳардаги кўп қаватли уйларда газ босимининг пастилиги, қишлоқларга тарқатувчилар газ баллонларини ўз вақтида етказиб бермаётганини куёнчаклик билан айтиб ўтишди. ID-картасига пул ташлаган фуқаролар битта баллон олиш учун қирқ кун кутиши қандай бедодлик ахир? Рўзғори катта оилаларга бир баллон ўн кунга зўрға етишини мутасаддилар белтмайди ми? Ўлимти баҳонасида юзага келтирилладиган навбатларни гапирмаса ҳам бўлади...

Қувурларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш мақсадида ҳозирдан буюклаш ишлари бошлангани рости. Бироқ улар сифатсиз бажарилаётгани ҳам ҳақиқат. Газ тақсимлаш пунктларидаги ускуналар вақтида таъмирланмаётгани боис табиий газ йўқотиш сарфи муттасил ортиб бораётганига нима дейиш мумкин?

– Вилоятдаги кўпгина қишлоқлар истиқлолнинг дастлабки йилларида газлаштирилган, модомики, барча хонадонларда “зангори олов” порлаб турганидан халқимиз

масрур эди, – дейди O'zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, депутат Арзиқул Шеров. – Аммо уларнинг қувончлари узоққа чўзилмади. Қишлоқларга табиий газ берилиши аста-секинлик билан тўхтатилди. Худди пойлаб туришгандек, газлаштириш идоралари масъуллари миллионлаб маблағ сарфланиб тортилган газ қувурларини шахсий мулкидек кесиб олиб кетишди. Ким буйруқ берди, қаерга олиб ке-

тилди? Бу бизга қоронги. Кейинги олти йил ичида аҳолини табиий газ билан таъминлаш борасида ижобий ишлар бошланганидан хурсандимиз. Масалан, бу йил Ғузор, Муборак, Қарши туманларида газлаштириш ишлари янгитдан бошланди. Агар бугунги кунда нархи осмонда бўлган ўша магистраль қувурлар жойида турганда, қишлоқларга табиий газни келтириш анча осонлашган бўларди.

– Вилоятда 718 мингга яқин истеъмолчи бўлиб, шундан 45 мингтаси юридик истеъмолчилардир, – деди “Қашқадарё худудий электр тармоқлари” АЖ капитал қурилиш бўйича директори Нурбек Исмаилов. – 180 та 35-110 кВт-ли нимстанциялар, 29 минг км узунликдаги 0,4-110 кВт қучланишли электр тузатиш тармоқлари ва 10,3 минг донга трансформатор пунктлари орқали электр энергияси етказиб берилди. Жорий йилда 170 млрд. сўм маблағ сарфланиб, 1215 км узунликдаги электр тузатиш тармоқларида, 330 донга трансформатор пунктлари ва 2 та подстанцияни янгидан қуриш ва реконструкциялаш қилиш ишлари режалаштирилган бўлиб, амалда 403,5 км паст қучланишли электр тармоқлари, 27 донга трансформатор пунктлари, 2 донга подстанцияни қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди. Истеъмолчиларнинг электр энергиясига бўлган талабини тўлиқ қондириш, таъминотни янада яхшилаш, энергия тежовчи қурилмаларни ўрнатиш борасида бир қатор ишларни бажардик.

– Халқ депутатлари вилоят кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари томонидан “Қашқадарё худудий электр тармоқлари” АЖ томонидан амалга оширилаётган электрлаштириш ишлари ўрганиб чиқилганда, ачинарли ҳолатга дуч келдик, – дейди депутат Сирожиiddин Норқобилов. – 8 ойда 27 донга трансформаторни зўрға таъмирланган нурчилар, қолган тўрт ойда 303 тасини мавсумга шай ҳолатга келтиришга ўзлари ҳам ишониши қийин. Хусусан, Президентимизнинг жорий йил 18 мартдаги “2022–2026 йилларда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 172-қарори ижросини таъминлаш борасидаги электрлаштириш ишлари мутлақо талабга жавоб бермайди. Ғузор туманидаги “Янгикент” МФЙ аҳолиси учун 23,8 км электр тармоғи ва 4 донга трансформаторни, Яқкабўғ туманидаги Ишкент қишлоғи аҳолиси учун 13 км электр тармоғи ва 2 донга трансформатор пунктни янгилаш ишларига ҳалигача қўл урилгани йўқ. Чироқчи тумани “Мустақиллик” МФЙдаги ишлар ҳам бор йўғи беш фоиз амалга оширилган холос. Деярли барча худудда шу аҳвол. Демак, жамият раҳбарияти зиммасидаги вазифаларни бажаришга сидқидилдан киришмаса, аҳолини электр энергияси билан таъминлашда яна муаммолар юзага келиши табиий.

Йиғилиш сўнгиде вилоят аҳолисини кузги-қишқи мавсумда табиий газ ва электр энергияси билан таъминлаш борасидаги ишларни жадаллаштириш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар билдирилди. Кун тартибидеги ҳисоботларни эса депутатлар тилга олган камчиликлар бартараф этилгандан кейин қайта эшитишга келишиб олинди.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” мухбири

ПАРТИЯ ТАШАБУСИ

УЙДА ЎТИРГАНЛАР БЕКОРЧИ ЭМАС

**O'zLiDeP СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ
КЕНГАШИ “АЁЛЛАР ҚАНОТИ” ВАКИЛЛАРИ
“МАҲАЛЛАБАЙ” ФАОЛИЯТ ЮРИТИШДАГИ
ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАРНИ ҚАЙД ЭТИШДИ.**

Термиз шаҳридаги Меҳробод маҳалласида яшовчи Севара Жумаева “Аёллар дафтари”да рўйхатда туради. Ишсиз бўлгани боис ўзини ўзи банд қилиш учун имтиёз берилаётганини эшитиб хурсанд бўлди. Батафсил маълумот олиш мақсадида маҳаллага келди.

Маслаҳатлашувлар якунида уйда паррандачилик билан шуғулланиш шароити борлигини айтди. Партия фаолларининг тавсияси асосида унга 5 млн. сўм миқдорда кредит ажратилди. Ҳозир Севаранинг 50 бош паррандаси бор. Тухуми ҳам, гўшти ҳам фойда келтираётир. Бундан оила аъзолари жуда мамнун.

Партиянинг вилоят кенгаши “Аёллар қаноти” вакиллари Меҳробод маҳалласидаги бошқа хонадонларда ҳам бўлиб, ана шундай кредит ёки субсидия олган хотин-қизларнинг бугунги фаолияти билан танишишди. Жумладан, Шабнам кўчасида яшовчи Озода Нурматова тадбиркорлик қилиш мақсадида 20 млн. сўм миқдорда кредит олибди. Ўз уйда бизнесини очиб, маҳалласидаги икки нафар хотин-қизни ҳам иш билан таъминлабди.



Бинафша кўчасида истиқомат қилувчи Мавжуда Шарипова эса субсидия асосида янги инкубатор ускунаси берилганини айтди. Учрашув чоғида у шу сабаб оилавий даромади ошганидан хурсандлигини маълум қилди. Илгари ўзининг шахсий инкубаторида мавсум давомида 21 кун давомида 200 та жўжа очирган бўлса, ҳозирги кунда янги ускунада 21 кун давомида 1000 дан ошиқ жўжа очириб имкони яратилди. Бунинг афзаллигини сезиш учун катта иқтисодчи бўлиш шарт эмас, назаримизда.

“Аёллар дафтари”да рўйхатда турадиган Қурбанои Шаймуратов ва ҳам мутасаддилар томонидан тақдим этилган тикув машинаси ёрдамида маҳаллада жойлашган мактаб ва боғчаларга қойшаб тикиб бермоқда. Яна кўни-қўшнларнинг буюртмасидан ҳам етарлича топилаётир. Қисқа қилиб айтганда, партия вакиллари хотин-қизлар муаммоларини ҳал этишда “маҳаллабай” тизимининг нақадар самарали эканига амалда яна бир бор гувоҳ бўлишди.

O'zLiDeP Сурхондарё вилояти
кенгаши матбуот хизмати

ПРЕСС-ТУР

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗЛАРИДА ҚОҒОЗБОЗЛИККА ЧЕК ҚўЙИЛЯПТИ

Самарқанд вилоятидаги туман, шаҳар ҳокимликлари ва кенгашларнинг “e-qaror” электрон тизими орқали қабул қилинаётган қарорлари ва фармойишлари ўрганилганда шулар маълум бўлдики, жорий йилнинг олти ойида 148 та ноқонуний қарор қабул қилинган. Шундан 53 таси ҳоким қарори, 90 таси ҳоким фармойиши ҳамда 5 таси кенгаш қароридир.

Бу ҳақда Самарқанд вилоят адлия бошқармаси амалга оширган ишлар бўйича журналистларга маълум қилинди. Пресс-тур тартибда ташкил этилган ушбу тадбир давомида соҳадаги кўрсаткичлар билан бирга давлат хизматлари маркази фаолияти билан яқиндан таништирилди.

Этироф этилганидек, мамлакатда ягона давлат ҳуқуқий сиёсатини юритиш, бошқарув самарадорлигини мониторинг қилиш, ҳуқуқ ижодкорлиги, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ҳуқуқни қўллаш амалиётини изчиладан бир хилда таъминлаш бўйича чораларни амалга ошириш адлия органларининг асосий вазифаларидандир.

– Юқоридаги қарорларни бекор қилиш ёки мувофиқлаштириш мақсадида ҳокимликларга 23 та таъсир чораси – 16 та тақдимнома, 5 та огоҳнома ва 2 та даъво ариза киритилди, – дейди бошқарма бошлиғи С. Нуриев. – Нати-

жада 78 та қарор ва фармойиш бекор қилинди ёки мувофиқлаштирилди. Ўтган йилнинг мос даврига таққослаганда кўрсаткич 1,2 баробар камайган.

йил бундай марказлар орқали жисмоний ва юридик шахсларга жами 636 704 та (шундан 142 254 таси онлайн шаклда) давлат хизмати кўрсатилган. Эътиборлиси, 73 турдаги хиз-



Тадбир давомида ОАВ вакиллари Самарқанд шаҳридаги давлат хизматлари маркази фаолияти билан танишишди. Икки қаватли замонавий бинодо барча шароит яратилган, мурожаатчилар учун қўлайликлар мавжуд. Айни пайтда 176 та бўлган хизмат турлари ўсиши кутилмоқда, чунки дунё тажрибасида улар 700 дан ортқини ташкил этади. Амалиётга назар солсак, ўтган ярим

матда ҳужжат ва маълумотлар аҳолидан талаб этилмапти. Бу эса ортқича қоғозбозликнинг, фуқароларнинг идораларо сарсон бўлишининг олдини олди. Энг муҳими, ҳар бир фуқаро яшаш жойидан қатъи назар, исталган манзилдаги марказга мурожаат қилиши мумкин.

Муҳаббат РАВШАНОВА,
“XXI asr” мухбири

ИМКОНИЯТ

ЭНДИ ОРТГА ҚАЙТИЛМАЙДИ

Ҳозир станциямизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 10 июндаги “Иқтисодиёт тармоқлари, аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларида қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланиш чора-тадбирлари” юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар ҳамда “Иссиқлик электр станциялари” акциядорлик жамиятининг “Иссиқлик электр станциялари” акциядорлик жамияти тизим корхоналарида муқобил энергия манбаларини ривожлантириш тўғрисида”ги буйруғида кўрсатилган топшириқларни бажариш бўйича тизимли ишлар олиб бориляпти.

Жумладан, “Талимаржон иссиқлик электр станцияси” акциядорлик жамияти автотурагоҳи ва станция тасарруфидаги истироҳат боғига ўрнатиш учун 65 донга автоном қувёт ёриткичлари буюртма берилган ҳамда станция тасарруфидаги худудларга 2022 йил якунига қадар ўрнатилиши лозим бўлган 1038 кВт қувватдаги қувёт электр станциялари билан таъминлаш тўғрисида тегишли ташкилотларга буюртма берилган.

Шунингдек, йил якунига қадар ўрнатилиши лозим бўлган 1038 кВт қувватдаги қувёт электр станцияларини ўрнатишга танлов ҳужжатлари тайёрланди, 255 донга автоном қувёт ёриткичлари билан таъминлаш учун “Ўзэнерготаминлаш” АЖга буюртма берилди.

– Биз фотоэлектр станцияларни корхонамизда ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўймоқчи-



миз. Бунинг учун ҳозирда лойиҳа тайёрланиб, дастлабки жараёнлар бошланган, – дейди “Талимаржон ИЭС” АЖ Бош директори Олим Юсупов. – Бу лойиҳа амалга ошса, нафақат станциямиз, балки бошқа ташкилотларга ҳам фотоэлектр станциялари етказиб бериш имкони бўлади.

Бундан ташқари, энергия тежамкорликни ошириш мақсадида ишлаб чиқилган аниқ чора-тадбирлар режасига мувофиқ “Талимаржон ИЭС” АЖда ҳар бирининг сифими 200 литрдан бўлган 10 донга қувёт сув иситкичлари ўрнатилди. Мазкур ускуналар сувни ёзда 95 °С даража, қишда эса

50 °С даражагача иситиш имконига эга. Кўринадими, корхонада энерготежамкор технологияларни жорий этиш, муқобил энергия манбаларини ривожлантириш борасида сезиларли натижаларга эришилмоқда. Иқтисодиётимиз равнақ топишида асосий ресурслардан бири бўлган электр энергия соҳасида қилинаётган ислохотлар келажакдаги энергия ривожини учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қила олади.

Элёр ДАРХОНОВ,
“Талимаржон ИЭС” АЖ
матбуот котиби

ОГОҲ БЎЛИНГ, ОДАМЛАР!

"МЕТАН" ЛИ МОШИНЛАР МАШМАШАСИ

Менга қолса автомобиль заводда ишлаб чиқарилган вақтдаёқ унга газда юриш ускуналарини белгиланган техник талаб ва қатъий сифат назорати остида ўрнатиб, бошқа ҳар қандай шартда двигатель тизими билан боғлиқ ўзгариш киритишни бутунлай тақиқлаган бўлардим.

Шундан ўзга самарали ислохот кўрмайман бу борада. Бойси, сертификат бериш-у, лицензиялаш соҳасида пайдо бўлаётган сохта ҳужжатлар аслида инсон ҳаётини хавф остида қолдиради. Бепарволик доимий ҳамроҳга айланаётгани ҳам рост. Энг ёмони, "Фалон жойда газ портлабди", "Пистон йўлда мошин ёниб кетибди" янглиғ нохуш хабарлардан дийдамиз қотиб кетаяпти.

Олов ичидаги автобусдан одамларни олиб чиқишга кўмаклашиш ўрнига уларнинг куйишини тасвирга оладиганларни эса таърифлашга тил ожиз... Ҳой, шуларнинг ўрнида сен ёки фарзандинг бўлса, нима қилардинг, номард, деймиз холос. Инсоф беришини сўрашдан бошқа иложимиз йўқ.

Сирдарё вилоятининг Оқолтин туманида "Исузу" русумли автобусга ўрнатилган газ баллони портлаши оқибатида 6 киши вафот этди, 15 нафари турли даражадаги тан жароҳати олган, юқоридаги фикрим янада қатъийлашди. Бунга мазкур ҳолатни "Ўзавто-санот" ҳамда "Самарқанд автомобиль заводи" масъул ходимлари воқеа жойига бориб ўрганган сўнг берган расмий баёноти ҳам кўшимча сабаб бўлди.

"Мазкур автобус дизель ёнилғисига ҳаракатланганга мослашган ҳолда, 2012 йилда "Самарқанд автомобиль заводи" МЧЖ ҚҚда ишлаб чиқарилиб, Хоразм вилоятидаги расмий дилер орқали сотилган. Автобусни соти олган корхона томонидан 2014 йилда 60 литр сикимли, 6 донга газ баллони автобуснинг уст қисмига ўрнатилган. Бундан ташқари, ушбу автобус бир йиллик кафолат даврида кафолат талаблари бўйича белгиланган даврий кўриқдан ўтказиш масаласида расмий дилерга мурожаат қилмаган", дейилади ўша маълумотда. Яхши англаб турганимиздек, автобус



конструкциясига ўзгариш киритилган кейин унда юз берган ҳодисага ишлаб чиқарувчи ҳеч қанақасига жавоб бермаслигига урғу берилган баёнотда. Сирдарё вилояти прокуратураси томонидан Жиноят кодекси 262-моддаси (Транспортни таъмирлаш ёки уни фойдаланишга чиқариш қоидаларини бузиш) 3-қисми "а" банди билан жиноят иши кўзга-тилгани қистириб ўтилганида шунга ишора.

Агар автобусга метан газ ускунаси заводда сифатли ўрнатилганда балки шу кўриқли юз бермасмиди? Ўнлаб оила мотам либосини кийиб, зор қақшаб қолмасмиди?

Мазкур автобус тегишли бўлган корхона раҳбари, унинг техник хавфсизликка масъул ўринбосари мутахассислари қандай ухляпти экан? Ишқилиб, ҳамма айбни ҳайдовчининг гарданига юклаб, бамайлихотир юрмаганми-кан?

Мазкур мақоладан мудоао автобусга қўшилиб ёнганлар учун қайғуриш, марҳумларнинг яқинларига сабр тилашдангина иборат эмас, албатта. Балки кейинги пайтларда тез-тез такрорланаётган ана шундай ҳолатларнинг

олди олишга чорлаш, ҳеч кимнинг бошига фалокат ёғилмасдан огоҳликка чақириш, пундамондан илгари ҳушёрликка даъват этиш бош мақсадимиздир.

Аввало, оддий саволга жавоб топайлик: автомобилларга ўрнатилган газ баллонларнинг портлашига нима сабаб ўзи?

Шу соҳанинг бир неча мутахассиси ушбу саволга деярли бир хил жавоб берди. Уларнинг айтишича, сифатсиз (металлокомпозит) баллонлардан фойдаланиш асло мумкин эмас. Лекин амалда акси бўлаётган, баллонларни ишлаб чиқариш жараёнида технологик камчиликларга йўл қўйилаётган ҳолатлар талай. Бундан ташқари, метан ўрнатиш жараёни ва синов ишларининг қончиқармаслиги ҳамон кун тартибидеги долзарб масала бўлиб турибди. Ва ниҳоят, автомобилларга сиқилган газ қуйишда руҳсат этилгандан ортиқча босимда газ қуйилиши хавфи икки баробар оширади.

Маълум бўлишича, ҳозирги кунда мамлакатда тадбиркорлик субъектлари томонидан қурилган 1300 га яқин газ тўлдириш компрессор шохобчалари ва 800 дан ортиқ суолти-

рилган газ қуйиш "заправка"лари фаолият кўрсатмоқда. Юртимиздаги икки миллиондан ортиқ автотранспорт воситалари метан, икки юз мингдан зиёди эса пропанда ҳаракатланганга мослаштирилган.

Аммо уларга ўрнатилган газ баллонларини техник кўриқдан ўтказишдаги кўзбўямачилик барча ҳудудларда мавжуд. Тўғри, ўзи ва мижозни ҳурмат қилган хизмат кўрсатиш жойларида баллонни олиб, ичини тозалаб, уни катта босим билан текшириш каби бир қанча босқичларга амал қилинади. Шундай бўлиши ҳам керак.

Энди кўз олдингиздаги рамзий тарозининг бир палласига қонуний талаблар асосида фаолият кўрсатадиган корхоналарни, иккинчисига шунчаки ҳайдовчининг қўлидаги қоғозга "ҳаммаси жойида" деган муҳр уриш билан чекланадиган ташкилотларни қўйиб кўринг.

Қайси томон тош босганини айтишга не ҳожат!

Масала инсон ҳаёти ва тақдири, одамлар хавфсизлигига келиб тақалганда савол кетидан савол туғилаверади-да: наҳот назорат органлари ҳамма кўриб турган қонунбузарликни кўрмаса? Бу иллат охири-оқибат ўлим (камида мажруҳлик) билан тугамаса ҳам майли эди – қўл силтаб қўяверишми!?

Кейинги муаммага далил: бугунги кунда Тошкент шаҳрида евро-4 андозадаги газ баллонларини ўрнатиш 7-8 миллион сўм атрофида туради. Бироқ кўча-кўйда, ижтимоий тармоқлар ва интернет сайтларида шу ишни 4 миллион сўмга "чەткий" бажариб бериш билан боғлиқ эълонлар бисёр. Хатто устахонаси Гулистонда эканини айтган бир мутахассис 320 долларга ўрнатиб беришини маълум қилди. Евро-4 дейди камига. Баллони ҳам "заводский" эмис...

Мана, сизга жумбоқ! Ё пойтахтликлар ҳаддан зиёд нарх қўйган ёки сирдарёликлар қасамхўрга айланган! Мендан кетгунча, эгаси етгунчаликни ўзига шир қилиб олишган.

Энди жумбоқнинг давоми сифатида вилоятларро кирақашлик билан шуғулланадиган йигитларнинг, таъбир жоиз бўлса, ухламайдиган кишиларнинг фикрини эшитинг: Сирдарёда нафақат арзон, балки сифатли газ баллони қўйишда. Анчагача мошин бузил-

майди. Газ ҳиди чиққанда кирсанг, дарров тузатиб беришди...

Автобилларга газ тўлдириш станциялари ходимлари белгиланган техник регламент талабларига риоя қилмаслиги, ўрнатилган жиҳоз далолатномасининг муддати бўйича текшириш ишлари (опрессовка) ўтказмаслиги аввал ҳам кўп ва ҳўб айтилган. Чунки ушбу омил сиқилган табиий газ концентрациясининг маълум даражадан ошиш хавфини туғдириб, портлашга сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек, транспорт воситаларида ўрнатилган баллонлар давлат стандарти талабларига мувофиқ эмаслигига қарамасдан, ишлаб чиқариш жойида ошиқ газ билан тўлдирилмоқда. Натижада босим белгиланган 200 МПа мейврдан анча кўпайиб кетмоқда. Бу эса... Худо сақласин.

Мухтасар хулоса ўрнида, тилга олинган йўналишларни тартибга солувчи ҳужжатлар Ўзбекистонда етарлиқ қабул қилингани яна бир таъкидлаган ҳолда, муаммо фақат ижрода, масъулият(сизлик)да қолганини ўқтариш жоиз. Иномасангиз, Вазиран Назҳамасининг 2015 йил 11 ноябрдаги "Сиқилган табиий газга, суолтирилган нефть газида ёки дизель ва газисом ёқилги аралашмасида ишлайдиган транспорт воситаларининг хавфсизлиги тўғрисида умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида"ги, шунингдек, 2017 йил 11 октябрдаги "Автобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялари тармоғини ривожлантириш ва автотранспорт воситаларини сиқилган табиий газга босқичли ўтказиш ҳамда уларда газбаллон асбоб-ускуналарини хавфсиз ишлатишни таъминлаш кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 2012 йил 4 июлдаги "Автотранспорт воситалари буйича хавфсизлиги тўғрисида" умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорларини ўқиб кўринг. Уқишга ҳаракат қилинг.

Илтмос ҳам, илтмос ҳам битта: ўзингизни ўйламангиз ўйламанг. Аммо сизнинг бепарволигингиз, нафсга қўлигингиз туйфайли беғуноҳ инсонлар жабр кўрмасин.

Озод РАЖАБОВ,
шаҳрловчи

РЕКЛАМА ҲУҚУҚИ АСОСИДА

ТИНИМСИЗ МЕҲНАТ, ТАШАББУСКОРЛИК ИЗСИЗ КЕТМАЙДИ

ЁХУД "JIZZAX BUNYODKOR LOYIHA" MASЪULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI FAOLIYATIGA BIR NAZAR

Бугун Янги Ўзбекистонимизда барпо этилаётган ва бир-бириндан мухташам биноларнинг ҳар бири, энг аввало, лойиҳа ташкилотлари томонидан тайёрланадиган мукамал лойиҳаларнинг самарали натижасидир. Жиззах вилоятида фаолият кўрсатаётган ана шундай ташкилотлар орасида "JIZZAX BUNYODKOR LOYIHA" масъулияти чекланган жамиятининг нуфузи юқори десак адашмаймиз. Ушбу жамият ташкил этилишининг, бугунги муваффақиятларга эришишининг ўз тарихи бор.

Ташкилотнинг илк таъсисчиси 65 ёшли Султон ака Жўрабоевни нафақат вилоятда, балки кўшни вилоятдаги ҳамкасблари ҳам яхши билади. У ўз даврида юзлаб иморатларнинг қурилиши лойиҳаларини тайёрлаган тажрибали мутахассис. Султон ака Жўрабоевнинг лойиҳалари асосида бунёд этилган иншоот ва бинолар орадан неча йиллар ўтса ҳамки, ўз кўрки ва гўзаллигини, сифатини йўқотган эмас. Асл лойиҳачи, фидойи инсон бири-бириндан мухташам қурилишларга асос солиш қаторида фарзандларининг ҳар томонлама камолга етишига ҳам алоҳида эътибор қаратган. Фарзандлари орасида Орифжон ва Искан-

дарнинг бунёдкорликка иқтидорини, ҳавасини кўриб Жиззах политехника институтининг архитектура ва қурилиш факультетига ҳужжат топшириши кераклигини маслаҳат берган. Бош фарзанди шу йўналиш бўйича диплом олгандан сўнг шаҳардаги қурилиш ташкилотларида ишлаб, олий даргоҳдаги билимларини ишлаб чиқаришда бойитиб борди.

Жиззах вилоятининг шаҳар ва барча туманларининг ўзига хос иқлим ҳамда географик жойлашуви меъморнинг билими ва ташаббуси, изланишларига чамбарчас боғлиқ эканини ҳис этиб, уларни онгу шуурига жойлади. Устози, яъни отасидан билмаганларини сўраб ўзлаштирди. Маълум фурсатдан сўнг у тайёрлаган лойиҳалар бююртмачилар ишончини қозониб, талабгорлар кўпайиб борди. Бошқалар илғамаган асосларни чизмаларда акс эттириб, қурувчиларга энгиллик яратди, замонавий, миллий меъморчиликни ривожлантириш бўйича мамлакатимизда яратилган имкониятлардан фойдаланиб, 2014 йили "JIZZAX BUNYODKOR LOYIHA" МЧЖни ташкил этишди. Йиллар ўтиб ушбу жамият вилоятдаги таъкили ва энг забардаст, таъжрибали ходимлар тўпланган лойиҳа ташкилоти сифатида танилди. Орифжон ака юзлаб шогирдлар ардоғидаги инсонга айланган ва жамоага маслаҳат ҳамда тавсиялар бериб, ўз таъжрибасини улашиб борди...

Ҳозир ушбу ташкилотни сулола давомчи-

си ва иқтидорли шогирди Ўткиржон Баротов бошқармоқда. Кейинги йилларда шу жамиятда яратилиб, сайқал топаётган лойиҳалар асосида вилоят миқёсида қатор йирик иншоотлар бунёд этилди. Жиззах темирйўли ҳудудидаги Мирзо Улуғбек маҳалласининг эски иморатлари, кўрimsиз кўчалари ва шунга ўхшаш бошқа объектлар замонавий шаҳарсозлик талабларига жавоб бермаётган. Давлатимиз раҳбарининг вилоятга ташрифларининг бирида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, шаҳар ва туманларда кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш бўйича белгилаб берилган вазифалари асосида мана шу ҳудудда ҳам қайта қуриш ишлари бошланди. Қурилиш вазирлигининг талаб стандартларига жавоб бермайдиган иншоотлар ўрнида 5 қаватли тураржойлар қурилиб, фойдаланишга топширилиши шаҳарга ўзгача кўрк бағишлади. Аҳоли учун муносиб турмуш шартлари яратилди. Айнан шу массивлардаги тураржойларни лойиҳалаш, кўчаларни ободонлаштириш ишлари "JIZZAX BUNYODKOR LOYIHA" МЧЖга ишониб топширилди ва вазифалар қўтилган ҳам сифатли бажарилди. Бу ютуқлар – жамоанинг ҳар бир аъзосининг креатив фикрлаши, эришилган натижалар билан кифояланмасдан билим ва кўникмаларини янада такомиллаштиришга интилиши натижасидир. Жамоа меъморлари бу ерда қурилиш, монтаж ишлари қўйматри 21 млрд. 639 млн. сўмга тенг бўлган 5 та 5 қаватли тураржойни шундан жойлаштиришдики, бу бинолар энг назик дидли харидорини ҳам бефарқ қолдирмади. Лойиҳачиларнинг айни шу объект бўйича амалга оширган ишлари корхона фаолиятини ривожлантиришга туртки бўлди. Шу туйфайли кейинги даврда вилоят қурилиш бошқармасининг 5 қаватли маъмурий биноси, Ўзбекистон Миллий университетининг 1000 ўринли ётоқхонаси, УЭМУ Жиззах вилояти филиали бинолари, "Агробанк" АТБ Шароф Рашидов тумани филиали, "Микрокредитбанк" АТБ Зарбдор филиали реконструкцияси, Зарбдор туман ҳокимлиги биноси реконструкцияси, "Агробанк" АТБ Зафаробод филиали қурилиш объектида муаллифлик назорати юритиш учун лойиҳа ҳужжатлари самарали тайёрлангани жамоанинг тинимсиз изланиши ва ташаббуслари мевасидир.

Шулар қаторида вилоят марказида ташкил этилган SAMBHRAM университети собиқ олий ҳарбий авиация билим юрти бино-иншоотларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, Жиззах вилояти ҳокимлигининг кириш ва том қисмини капитал таъмирлаш, ҳудудини ободонлаштириш, Бахмал туманидаги 83-мактабнинг 220 ўринли ўқув биноси ва 12х24 ҳажмда спорт залининг лойиҳа-смета



та ҳужжатларини ишлаб чиқиш, Зомин туманидаги "Баркамол авлод" спорт мактаби филиали лойиҳаси, шаҳардаги Мурувват уйини реконструкция қилиш, объектининг лойиҳа ва смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, Жиззах шаҳри Шароф Рашидов кўчасида жойлашган кенгашлар уйини реконструкция қилиш, вилоят ҳокимлигининг катта зали, ошхона ва меҳмонхона мажмуасини мукамал таъмирлаш, лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш Ўткиржон Баротов раҳбарлигидаги жамоа томонидан бажарилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

"JIZZAX BUNYODKOR LOYIHA" МЧЖда компьютер техникаси ва дастурий таъминот тизимини яхши ўзлаштирган, лойиҳалашнинг илғор технологияларидан фойдаланиб, уни соҳада самарали қўллаб оладиган малакали мутахассислар фаолият юритатган бўлиб, улар Марказий Осиё минтақасига хос бўлган юқори сейсмиклик, чўкувчи тупроқлар, иссиқ иқлим, миллий аънаналар ва калорит кабиларни ҳисобга олган ҳолда халқ ҳўжалигининг турли тармоқлари учун экологик жиҳатдан хавфсиз корхоналар, санот комплекслари, бино ва иншоотлар учун самарали ечимлар ишлаб чиққомдалар.

Жамоанинг иша масъулият билан ёндашаётганини англаш қийин эмас. Масалан, бунёдкорлар бююртмаларини бажаришга киришишдан олдин қурилиш мўлжалланган объектларга бориб, тағйи ва атрофдаги ер структурасини мукамал ўрганади. Камчиликлар бўлса, бююртмачи билан бамааслаҳат иш тўтиб, тақлифларини айтади. Жамоанинг айни

шу таъжрибаси қўллаб-қувватланиб, комиссия аъзоларига маъқул тушиб, бошқа лойиҳа ташкилотларига ҳам таътиқ этилди.

Бу аҳил жамоанинг иши фақат Жиззахда эмас, юртимизнинг бошқа вилоятларида ҳам эътироф этилаётгани эътиборга молик. Масалан, Тошкент вилояти Олмалик шаҳридаги 10-мактаб биноси реконструкцияси, Нурафшон шаҳридаги 32-мактаб, Бўка туманидаги 40-мактабни реконструкция қилиш, объекта лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳам "JIZZAX BUNYODKOR LOYIHA" МЧЖ жамоасига ишониб топширилган ва барчаси муваффақиятли яқунланган.

– 2022 йилда янги 2 та объект лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаган эдик. – дейди "JIZZAX BUNYODKOR LOYIHA" масъулияти чекланган жамиятнинг жонқуяр раҳбари Ўткир Баротов. – Ҳозир Ҳамид Олимжон маҳалласидаги 22-мактабни ва Шаҳарнинг Сангзор маҳалласидаги 1-мактабни реконструкция қилиш, объектларнинг қурилиш жараёнлари давом этмоқда. Келгусида режаларимиз кўп. Уларнинг барчасини амалга ошириш йўлида тинмай изланапмиз. Ишимизда сифат биринчи ўрнида туради. Бугун юртимизда барча имконият ва шартлар яратилган. Улардан унумли фойдаланиш қолди, холос. Бу эса барчамиздан ўз касбиимизга масъулиятли бўлишни, такрорланмас ва мукамал лойиҳалар устида ишлашни талаб этади.

Гулзаҳон АШУРОВА,
журналист



БУЗУҚ ТИЛ ҲАВОСИ

21 ОКТЯБРЬ – ЎЗБЕК ТИЛИГА ДАВЛАТ ТИЛИ МАҚОМИ БЕРИЛГАН КҮН

ТАРИХИЙ НОМЛАРНИ ХИЛМА-ХИЛ “ЯНГИ”ЛАРУ “ОБОД”ЛАР БИЛАН АЛМАШТИРИБ ТАШЛАШ ҚАНЧАЛИК ТЎҒРИ?

ФИКРЛАШ ВА СЎЗЛАШ. БИР-БИРИГА ТАЪСИР ҚИЛАДИ. ФИКР ҚАЙСИ ТИЛДА ТУҒИЛСА, УНИНГ ИФОДАСИ ҲАМ ЎША ТИЛДА ЯНГ-РАЙДИ. ҚАЙСИ ТИЛДА СЎЗЛАСАНГИЗ, КЕЙИН ЎША ТИЛДА ЎЙЛАЙ БОШЛАЙСИЗ. ШУ ЖИХАТДАН МИЛЛИЙ ТАФАККУР ХУСУСИДА БАҲС КЕТАР ЭКАН, ОНА ТИЛИ БИРЛАМЧИ МАСАЛАГА АЙЛАНДИ.

ЁЗУВЧИ АҲМАД АЪЗАМ БИР УМРЛИК ФАОЛИЯТИДА, МАТБУОТДА ИШЛАДИМИ ЁКИ ТЕЛЕВИДЕНИЕДАМИ, ОНА ТИЛИ СОФЛИГИ УЧУН КУРАШИБ ЎТДИ. БАДИИЙ АСАРЛАРИДА ЎЗБЕКНИНГ ДИЛИ ВА ТИЛИ ЖИЛОЛАРИНИ КЎЗ-КЎЗ ЭТИШГА ИНТИЛДИ. ҲАЁТИНИНГ СЎНГИ ЙИЛЛАРИДА ШУ МАВЗУДА ЁЗГАН МАҚОЛАЛАРИНИ ЎҚИР ЭКАНСИЗ, БУГҮН ҲАМ АҲАМИЯТИНИ ЙЎҚОТМАГАН КЎПЛАБ МАСАЛАЛАРНИ КЎТАРГАНИГА ГУВОҲ БЎЛАСИЗ.

...Бир ёзувчининг асарида тўғонни “дам-ба” деб ёзганини ўқидим; ҳаётда шундай, халқдан олинган, қаҳрамонлари шундай дейди, авом тилида ҳам, адабий тилда ҳам асли бу “дам” – суви тўсиб, дамлайдиган жой, бу сўз рус тилига “дамба” бўлиб кўчиб, яна ўзимизга қайтиб келган, энди русча бўлиб.

Яқин-яқингача Ғаллаоролдаги темир йўл бекати “Богарний” дейиларди. Болалигимдан биламан, одамлар ҳам бу бекатни “Богарний” деб келган. Тубини суриштирсангиз, бу сўз ҳам асли ўзимизники: “баҳориги”, “баҳориги”, “баҳорикор”дан. “Богарные земли”, “Богарные сорта” – Ғаллаоролнинг лалми-баҳорикор ерларидан ғалла олинган, расмий ёзишма, ҳукумат топшириқларининг русча бўлгани бу топшириқларни тушунишни ҳам “зерновий совхоз” сингари руслаштириб юборган.

...Биздаги Жомбой (ҳозир шаҳарча) бу ердан темир йўл ўтгандан бери аҳоли тилида “Разиз”, болалигимизда “Жомбой” деган атама айрилмас (нарироқдаги бир манзил “Эски Жомбой” дейилар) эди, ҳу темирйўл битта кўш из вақтлари поездлар бир-бирига йўл берадиган бекат, уни, масалан, “Айирғич” ёки “Айирма” деса ҳам бўларди, лекин русча “Разъезд” деб аталган ва “Разиз” тарзида омма тилига сингиб кетган. Мустақилликдан кейин Жомбой атамаси аслига қайтарилди, лекин “Разиз” авом тилидан буткул чиқиб кетганича йўқ.

Шу шаҳарчамиз ёнидан Катта ўзбек йўли ўтади, у билан қишлоқлардан чиққан йўл кесишган жой ҳам болалигимиздан бери жонли тилда “Пиркироска”. Йўл ётқизилган пайти “Перекрёсток” деган кўрсаткич қўйилган бўлса, шундан қолган. Жами одам “Пиркироска” дер эди, яхши ҳам бу ерда бозор қурилди-да, жойнинг асл номи ўзига қайтди. Ҳозир “Шайман” ёки “Шайманбозор” “Пиркироска” билан муқобил айтилади.

Ҳа, дарвоқе, адабий тилдан фарқли равишда жонли сўзлашув тилининг “авом тили” деган аниқ атамаси бор, “авом” бунда оми, жўн маъносини эмас, балки омма, кўплик маъносини беради. Жонли сўзлашув тилининг “қора тил”, “ялпоқ (жалпоқ) тил” каби яна лўнда ислоҳлари мавзуда.

...Тил ўзгаришларини кузатган одам саргузашт асар ўқигандан кам завқ олмайди.

Шаҳар, қишлоқ, маҳаллаларда бундан атиги йигирма йил олдин жой номларини қандай бўлганини бир эсланг. Қуни кечаги тарих. Юзлаб, минглаб Ленин, Ульянов, Луначарский, Фрунзе, Орджоникидзе... Яна ўзимизда маҳаллий миқёсдаги инқилобчиларимиз ҳам бор эди. Гулистон чўлларидан шўро маршаллари нима йўқотган экан, ишқилиб, ҳар бири биттадан совхозни номи тагига босиб олган эди. Юрий Гагарин ҳам коинотга учиб қайтганидан кейин шўронинг бошқа минтақалари каби, жумладан, Мирзачўлга ҳам муқим ўтириб қолган.

Бизда офтоб чиқмайди, нур сочмайди, унда нимага юзлаб колхоз-совхозларимиз номи “Рассвет”, “Заря”, “Красная заря”, “Заря Востока” бўлган? Майли, буларни қўяверинг, неча-неча асрлардан бери келаётган тарихий номларни ўзгаришидан мантқиқ нима? Уларнинг ўрнига хилма-хил “янги”лар, “обод”лар ясаб ташланаверган. Ҳеч ном топилмаса, “Янгиқишлоқ”, “Янгийўл” деб қўя қолишган. Мамлакатимиз бўйича неча “Меҳнатобод” ё “Меҳнат-роҳат” атамаси бўлган экан? Топонимика билимдони Суянов Қораев буларнинг саноғини келтириб, хайратга солган эди.

Баъзан эса сўз ясада инсон ақлининг топқирлигидан эсингиз оғади: “Нурли кўш” эмиш! Қаранг, худди кўшнинг нурисини ҳам бўладигандек. Бизни ёритиб тургани ўзи битта кўш-ку, осмонда кўринган бошқалари юлдуз, аҳли донолар нурлига аксини қайдан топган



Аҳмад АЪЗАМ,
ёзувчи

эканлар. Биз томонда бир қишлоқнинг отини ҳалигача “Давлатли турмуш” дейдилар. Майда колхозлар замонидан шу от қолиб кетган. Асли оти “Тўтихолажон” бўлган. Катта бир қишлоғимизнинг оти “Пушкин”, шу номдаги колхоздан қолган, асли атамаси “Хитойбола” дейишади.

...Ҳозир тушга ўхшайди: “туман”, “вилоят” каби сўзларни қўллашдан эскилик ҳиди келар, Ўзбекистонимизни “мамлакат” деб аташ миллатчиликнинг ўзгинаси бўлар эди. Чунки мамлакат битта – боши кети кўринмайдиган бепоев Совет Иттифоқи эди. Ҳозирги мустақил давлатнинг у пайтдаги худудлари қоғозда бўлса-да “мамлакат” эмас, “республика”, “юрт”, “эл”, “макон” эди.

...Яна “Разиз” масаласига қайтиб, шу аснода Жомбой тумани жонли топонимикасини мисол қиладиган бўлсак, уни тил ўзгаришлари (бузилиши) қомуси деб аташ мумкин. Мана, мен туғилган қишлоқнинг жуда қадимий бозоржойи бор, адашмасам, тумандаги икки бозорнинг бири эди. Шу бозоржойлиги туфайли унинг Ғазира номи колхоз-совхоз бўлиб, номлар ўзгарса-да, буткул ўчиб кетмади. Лекин мувозий тарзда “Ленин йўли”, “Украина”, “Бозоров” билан бирга қўлланди. Ғазиранинг чор-атрофи Исталин, Пўшқин, Мўлтип, Варашилоп, Каканович, Калелин, ундан кейин Абалин деган қишлоқлар ҳам бор эди. Қарил Маркис, Энгелис, Камунизм, Охунбобойип, Маскава, Кироп, Пурунза, Партсез – буларнинг тўғриси эиш шарт эмасдир.

Туман харитаси устидан мисоли мафкура тўғони ҳамма ёқни фораг қилиб ўтганга ўхшай-

ди. Ленин, Сталин, Каганович, Молотов, Ворошилов, Куйбишев, Фрунзе, Ульянов, Октябрь, Москва, Коммунизм, Ленин йўли, Партсез, Ленинград... Ҳаммаси отам замонидан – бир вақтлардаги майда колхозлардан ёдгорлик, бу номлар расман ўчган, лекин авомда, хусусан, катта ёшлар тилида сақланиб қолган.

Тўқсон тўққизинчи йили туман газетасида сайлов участкалари рўйхатида Сўхмон, Сарикипчоқ, Хитойбола, Митан, Қўлбости, Қозоқовул, Хўжа, Тегирмонбоши, Тела, Туркман, Довчарариқ, Шерқўрғон, Оғажон, Ўрдабозор, Гўзай, Ногаҳон, Кўзигузар, Арча, Довчар, Курми, Қангли, Қорахитой каби кўпини эшитиш тушимга ҳам кирмаган жой номларини ўқиб, хайратда қотдим. Шунча атама шўро қазноқларида моғор босиб ётаверар, сайлов участкаларини номлаш учун жараён пайтидагина офтоб юзини кўрар экан. Бу ҳам бахтли тасодиф, ё бир корифат билимдон одам, балки туман газетаси заҳматқаш мухбири ё муҳаррири шундай коммунизму партсезлар замонидан йитмас матоҳ сифатида асл ҳолида рўйхатлаб қўйган, барака топсин!

...Турли миллатлар ўртасидаги яқин муносабатлар уларнинг тиллари ўртасида кучли айирбошлашга олиб келади. Бу ҳол тарихда туркий араб, туркий форсий йўналишда жуда кенг тус олган. Кейинги икки асрда ўзбек тили билан рус тили ўртасидаги муносабатларни ҳам айтиш мумкин.

...Ўзга тилининг сурункали, узлуксиз таъсири тилининг аслига ўзгалаштиришга олиб келади, тил ичдан ёмирила бошлайди ва бунда, тақрор айтаман, ўзимиз сабабимиз, тилни

асрашни, уни чет босқинлардан асрашни ўйла-маслигимиз оқибатлари анча йиллардан бери одатга айланган.

...Тил ҳам бир мудом ўсадиган дароҳт, уни парваришлар керак, қарамасангиз, қийшиқ ўсади, ғовлаб кетади, бачки новдалари кўпаяди. У ҳам саришталик сўрайдиган рўзгор, пок-киза қилиб турмасангиз, ивирсиқ босади, ис-лиқиб, патарот топиши бор гап.

...Албатта, жиддий олимларимиз, тил-шуносларга рекламадан мисол келтирсангиз, шундан бошқа гап йўқми, деган маънода эн-салари қотади, лекин реклама шунақа сурбет нарсани, ҳар куни ўнларча марта такрорлана-ди, яъни томошабин миёсига миҳланаверади. Яъни тасарруфга кираверади. Қулоқ нотўғри иборага ўргангандан кейин, тўғри сўз талаф-фузи қоқоқлик бўлиб туюлади. Тилчиларимиз кейин бунга тил ҳодисаси сифатида қарай-дилар (шевадан гапиришни бир олим шунақа оқим пайдо бўлди, деди).

Ўнлаб мисол келтириш мумкин. Чиқиб кетган, тушиб қолаётган сўзлар ўрнига ян-ги-яни бегона атамалар кириб, тилимизнинг ифлослашиш жараёни тўхтамаётир.

...Илгари иждоқорлар, шоирми, ёзув-чимми, бахшими, тилни халқдан, халқ ораси-да юриб ўрганган, бошқа қаёққа ҳам борсин эди. Бу гап илгари “улар ҳаводан нафас ол-ган” деганга ўхшайди. Ҳозир эса матбуот, хусусан, радио-ТВ, айниқса, телевидение-дан ўрганади. ТВнинг тил ҳавоси эса жуда бузуқ. Ўйўқ, бугунга келиб тилга эътиборнинг сусайгани ё, ҳозир кўп айтиладиганидек, фақат шевачилликдан билиқсиз кетаётганида эмас, ўзи ТВнинг характери шундай – ундаги тил – иссиқхона тили, қуритилган, тозалан-ган, қайчиланган, қаноти, панжаси қирқи-либ, мана ниҳоят қуш қилинган тил, хуллас, суний тил. Тил жозибаси ТВда йўқ. Лекин бошқа ўргатувчи ҳам йўқ: китобларнинг ти-ражи паст, расмий матбуот нашрлари адади жуда кам, каттароқ тиражда чиқаётган хусу-сий газеталарнинг ўзига тил маданияти етиб бормаган. Туман мухбирлар лашкари “мул-ла билганини ўқийди”га амал қилиб, оғиз-лари келганини гапириб, ёзиб ётибдилар. Ҳай, инсоф борми, сизлар ҳам бир нарсани ўқиганмисизлар, деб сўрайдиган одам йўқ. Ясама сўзлар, ғализ иборалар ғиж-биж ачиб ётибди, уларни битталаб санаб чиқишга умр етмайди. Баъзан энди фойдаси йўқмикан, шундай кетаверадимми, деб кўнглинг чўкиб кетади. Кенг тарқалган донолик жорий до-нолик бўлиб қоляпти. Бу жараён ҳозир ҳам давом этаётир, нафақат давомда, балки ўсишда пастлаб кетаяпти.

ХАЛҚ ХАЗИНАСИ

Таму қапуғин ачар тавар – Пора дўзах эшигини очади

Мақоллар, назаримда, ҳозирги ёшлар нутқини тарк этаётгандек. Гўёки улар энди эскилик сарқити, бугунги авлод учун муносиб эмас. Минг йиллар оша бизгача етиб келган мақоллар асли-да чинакам халқ донишманд-лиги, ҳар қандай бадиий асар билан беллаша оладиган халқ оғзаки ижоди намуналаридир. Аждодларимиз хоҳ хос, хоҳ авом бўл-син, нутқини албатта мақол-лар билан беаган. Мақоллар уларга миллий анъаналар, қадриятларга амал қилиб, тўғри яшашга кўмак берган.

Кошғарий бобомиз ҳам “Девону луготит-турк”да юзлаб мақоллар кел-

тиради ва албатта уларнинг маънола-ри, қачон, қандай ҳолатда ишлатили-ши ҳақида тушунтириш беради. Буни қарангки, улар ҳозир ҳам аҳамиятини йўқотмаган, долзарб. Мана, шундай мақоллардан бири:


“Таму қапуғин ачар тавар”.

Бу ерда: “таму” – тамуғ, яъни дўзах; “қапуғ” – эшик; “ачар” – очар; “тавар” – тавар, буюм, аммо ушбу мақолда “тавар” сўзи, Маҳмуд Кошга-рий изоҳига кўра, “пора” маъноси-да ишлатилган. Мақолнинг мазмуни: “Пора дўзах эшигини очади”.

Демак, минг йил, икки минг йил олдинги аждодларимиз-да пора бери-шни нафақат жамият учун, балки инсоннинг ўзи, охирати учун ҳам сал-бий ҳодиса деб билганлар.

Абдувоҳид ҲАЙИТ

АРЗОН, ҚУЛАЙ ВА ТЕЗКОР!



Энди почтани кутиб ўтиришга ҳожат йўқ.
Нашримизнинг электрон версиясига обуна бўлинг.
Бунинг учун телефонингизга
“Play Market” ёки
“App Store”дан
“XXI asr” иловасини юклаб олиб,
пул ўтказсангиз кифоя.

Газетанинг электрон обуна нархлари (2022 йил учун):

12 ойлик – 96 минг сўм;

6 ойлик – 48 минг сўм.

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARONLAR HARAKATI –
O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир хайъати:
Ақтам ХАЙТОВ
Дилшод ШОУМАРОВ
Шухрат БАҒОЕВ
Мавлуда ХУҲАЕВА

Сирожиiddин САЙИИД
Адхам ШОДМОНОВ
Виктор ПАК
Насимжон АЛИМОВ

Сардор МУСТАҒОЕВ
(Бош муҳаррир уринбосари)

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

Электрон почта:
xxi_asr@mail.ru
xxi_asr@mail.ru

Телефонлар:
қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).

Обуна ва реклама бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан
рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета офсет усулида, А-2 форматда
босилди. Ҳажми – 3 босма табақ.
Буюртма рақами: Г – 951 Адади: 5117
Электрон обуна – 1355
Баҳоиси келишилган нарҳда.
Топширилди – 20:00

Таҳририятга келган кўлөзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида
терилди ҳамда дизайнерлар



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
123456

Навбатчи муҳаррир:
Озод РАҲАБОВ